

# НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ХОРИЖИЙ ТИЛ ТАЪЛИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
“Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси  
катта ўқитувчиси  
Сатторов Хайрулло Раззоқович*

***Аннотация:** В данной статье рассматривается лингвистическое и концептуальное выражение существования изучающих иностранный язык и расширяются ограничения процесса обучения, включая индивидуальный опыт межкультурного общения в содержание образования.*

***Ключевые слова:** когнитивные аспекты, общение, лингвокультурология, лингвистика, психолингвистика, психология, дидактика.*

***Аннотация:** Ушбу мақолада чет тилини ўрганувчилар мавжудлигини лингвистик ва концептуал ифодаси билан боғлиқ бўлиб, таълим мазмунига маданиятлараро мулоқотнинг индивидуал тажрибасини киритиш орқали таълим жараёнининг чекловларини кенгайтиради.*

***Калим сўзлар:** когнитив жиҳатлари, коммуникация, Лингвомаданий, лингвистик, психолингвистик, психология, дидактик.*

***Annotation:** In this state, the linguistic and conceptual expression is considered, there is a learner of a foreign language and the boundaries of the learning process are expanding, it includes the teaching of individual learning.*

***Key words:** cognitive aspects, communication, cultural linguistics, linguistics, psycholinguistics, psychology, didactics.*

Лингвомаданий тайёрлаш ҳар қандай тил ўрганувчилари томонидан тил ва маданиятни, шу жумладан она ва хорижий тилларни турли даражаларда билиш (эгаллаш) ни англатади.

Давлат стандартлари, жамият эҳтиёжларига биноан тил ўрганувчиларнинг лингвомаданий тайёргарлиги ўрганилаётган тилдан реал маданиятлараро коммуникация жараёнида фойдалана олиш малакаларида ўз ифодасини топади.

Хорижий тил таълимининг норматив жабҳалари тил ўрганувчиларнинг борлиқнинг лисоний ва концептуал ифодаси билан боғлиқ бўлиб, у таълим

мазмунига маданиятлараро мулоқот қилишдаги реал индивидуал тажрибани киритиш ҳисобига таълим жараёнини чегаралашни кенгайтиради. Хорижий тил таълимини когнитив жиҳатларини ҳисобга олиш тил таълимини ташкил этишни “тил таълими бутун ҳаётга” принциpidан “тил таълими бутун ҳаёт орқали” принципи асосида амалга оширишни тақозо этади.

Профессор Б.С. Гершунскийнинг фикрича тил таълимининг натижалари уч даражада ўз аксини топиши керак: 1) индивидуал- шахсий, 2) умумдавлат, 3) умумцивилизация.

Г.И.Богин , Ю.Н. Караулов каби олимларнинг фикрига кўра тилни амалий эгаллаш тушунчаси ривожланаётган шахснинг бир томони сифатида қараласлиги лозим. Бундай ёндашувга мувофиқ тил таълимининг натижалари лисоний шахсни камол топтиришда ифодаланади. М.И. Халееванинг фикрига кўра, хорижий тил таълимининг натижалари иккиламчи лисоний шахсни шакллантиришда ўз ифодасини топиши керак.

Хорижий тил предмети бошқа ўқув предметларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу хусусиятлар лингвистик, психолингвистик, психологик, дидактик ва методик гуруҳларга бўлинади. Мазкур хусусиятлар ичида хорижий тил предметининг бир вақтнинг ўзида ҳам таълим мақсади, ҳам таълим воситаси, мазкур фанда таълим предметининг мавжуд эмаслиги, бу фаннинг “чексизлиги”, тил ва нутққа оид турли ҳодисалардан таркиб топиши кабилар жиддий эътибор талаб қилади. Хорижий тил предметининг яна бир жиддий салбий хусусияти шундан иборатки, бир амалий машғулот давомида ўқитувчи ҳамда тил ўрганувчи томонидан қилинган сайъ- ҳаракатлар, сарфланган меҳнат режалаштирилган конкрет натижани бермайди. Натижада ҳам ўқитувчи, ҳам тил ўрганувчилар, айниқса ўқув материални суст ўзлаштирувчилар “мен бунга эришаолмайман, менинг тилни ўзлаштиришга

қобилиятим йўқ” деган салбий тасаввурга бориб, кўп ҳолларда тушкунликларга боради.

Хорижий тил таълимининг тақдири жамиятнинг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий шароитларига боғлиқ. Жаҳон миқёсида турли жабҳаларнинг интеграциялашуви, глобаллашуви замирида ётган олимлар хорижий тилни билиш аҳамиятини янада юқори даражага кўтармоқда. Жаҳон миқёсида интеграция жараёнларининг жадаллашуви мутахассисга бўлган касбий, ижтимоий талабларни оширмоқда, жаҳон меҳнат бозорида рақобатдошликка жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 17 декабрь куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида олий таълим муассасаларида инфор­мацион технологиялар, хусусан Интернетдан самарали фойдаланиш ва касбий фаолиятда инглиз тилини қўллаш учун амалий кўникмаларга эга бўлиш масалалари қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 19 январь 03/12-517-сон буйруғи Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасалари битирувчиларининг инглиз тилини билишлари ҳамда компьютер технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланишнинг таянч кўникмаларига эга бўлишларини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда фан, техника, технологияларнинг жадал ривожланиши, замонавий билимларни эгаллашда халқаро ахборот манбаларидан фойдаланиш зарурати таъкидланган ва ҳар бир олий таълим муассасаси талабаларининг инфор­мацион технологиялар ҳамда инглиз тилини билиш ва амалда қўллаш олишларини таъминлашга қаратилган вазифалар қўйилган.

Бугунги кунда инглиз тили амалиётда қўлланилиш даражаси жиҳатидан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Фан, техника, маданият, таълим, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда, хусусан касбий фаолиятда ҳар бир мутахассиснинг инглиз тилидан эркин фойдаланиш малакасига эга бўлиши замон талаби мақомига эга бўлди.

Натижада хорижий тил ўқитиш тизимининг барча компонентларида (таълим мақсади, мазмуни, уни ташкил ва тақдим этиш, ўргатиш, билим , кўникма ва малакаларини шаклланиши ва уларни назорат қилиш) жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ҳар бир ўқув муассаса ўзига хос шарт – шароит, хусусиятларига эга. Юртимизда олий таълим муассасаларининг барча нофилологик йўналишларида хорижий тил таълими жорий этилган.

Таълим мақсади ва унинг вазифаларини тўғри қўйилиши ҳам дидактика, ҳам методиканинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Чунки мақсад ва вазифанинг аниқлиги таълим тизимининг бошқа компонентларига ижобий таъсир кўрсатади. Соҳавий адабиётлар таҳлили хорижий тил таълими олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг турлича, улранинг маълум даражада мавҳум эканлигини кўрсатади.

Илмий методик адабиётларда хорижий тил таълими мақсадлари турлича ифодаланганлигини учратамиз [4, б. 37-60]:

- XX1 аср инсон шахсини камол топтириш;
- ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш;
- лисоний шахсни шакллантириш;
- иккиламчи лисоний шахсни шакллантириш;
- таълимнинг амалий, тарбиявий, умумтаълим ва ривожлантирувчи мақсадлари;
- коммуникатив компетенцияни шакллантириш;

- лингвомаданиятшунослик компетенциясини шакллантириш;
- хорижий тилга оид маданиятшуносликни шакллантириш (формирование иноязычной культуры);
- бўлажак мутахассиснинг касбий компетенциясини шакллантириш;
- бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенциясини шакллантириш;

**Талабаларнинг хорижий тил фанидан билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

Хорижий тил таълимининг мақсади талабаларда хорижий тил материаллари(лексик ва грамматик) бўлиб нутқ фаолиятининг турлари бўйича кўникма ва малакалар шакллантиришни тақозо этади. Мазкур мақсад нутқ фаолиятининг турлари –тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ва таржима бўйича малака ва кўникмаларни шакллантиришни талаб қилади.

*Фонетикада талаба қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:*

- гапнинг синтагматик бўлаклари асосида тўхташ мейёрлари ва гап турларига қараб интонацияни ишлатиш;
- сўзларни транскрибциясини ёза олиш.

*Грамматик бўлим юзасидан талаба қуйидагиларга эга бўлиши лозим:*

- Гап ва нутқ бўлаклари ўртасидаги фарқни билиши;
- Ўрганилаётган тилнинг асосий гап турлари тартибини билиши;
- Инкор воситаларини қўллай олиши;
- Ўрганилаётган тилнинг актив минимуми замонлардаги шакллари, модал феъллар, жой ва замон масалалари тўғрисидаги билимларга эга бўлиши;
- Ёзма ва оғзаки шаклда гап ва матнлар ясалишининг асосий механизмини билиши;

Талаба лексикада қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

- фаол лексика, ҳажми - 1100 сўз бирлиги; рецептив лексика, ҳажми - 2300 келадиган сўз бирлиги ва касбий лексика, ҳажми - 600 сўз бирлиги; ўрганилаётган соҳага асосан терминологик жиҳатдан мос сўз ясаवчи морфема ва моделларни билиши;
- Нотаниш ясама ва қўшма сўзларни мустақил англай олиши;
- Мутахассислик бўйича адабиётлар билан ишлай олиши, унда ишлатилган фразеологизмлар, қисқартмалар ва белгиларни билиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1.Зимняя И.А. Компетентность человека- новое качество результата образования // Проблемы качества образования.- М., Уфа, 2003.

2.Ikromkhonova F.I, Yusupova S.T, Nishonova D.H, Kodirova G. A, Djuraeva N. B. Psychology and education scopus./ The issue of historical works in american literature/ 2021 58(1): P.4581-4589.

3.Baymanov H, Avlakulov A, Sattorova S, Rozikova F, Muminova M. Annals of the Romanian Society for Cell Biology\ Compliment-concept and discourse features of qualitative lexemes of human nature (on the example of German and Uzbek languages)\ Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 2598 – 2605. Received 05 March 2021; Accepted 01 April 2021/

4. Nurmanov A.T., Mustafakulov A.A. Managing the Quality of Training of Pedagogical Personnel's on the Basis of TQM - (Total Quality Management)// International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020. – P.3759-3770.

5.Sattarova S.T. jurnal "Young Scientist" Kazan // From the experience of individualization of teaching foreign languages // №1(60), January 2014 P.571-574